

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД	
МАЪЛУМОТЛАР	10-15
<i>Xadjamuratova Matlyuba</i>	
МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИY ХИМОЯ QILISHGA INNOVATSION	
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI	16-21
Шовкатов Шокир Шовкат ўғли	
АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-31
<i>Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li</i>	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA	
ULARNING AHAMIYATI	32-36

Пардаев Асрор	
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ	
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	37-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи	
ЖАҲОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	43-52

Рахманов Зафар	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ	
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ	53-62

Аминов Фазлитдин Баҳадирович	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ	
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	63-70

Курбонова Шаҳриноз Авазхоновна	
ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР	
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	71-81

<i>Azimova Hulkar Egamberdiyevna</i>	
KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI	82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich	
LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF	
THINGS)DAN FOYDALANISH	88-93

Сайдов Сарвар Хайруллоевич	
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ	
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич	
ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ	
ЗАРУРИЯТИ	105111

Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ	
ТАЖРИБАСИ	112-119

<i>Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi</i>	
O'zbekiston IQTISODIYOTIGA XORJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH	
YO'LЛАRI	120-126

Temirova Feruza Sagdullayevna

XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK 127-132

Sharipova Shaxzoda Xasanovna

YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 133-138

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Alimova Shahniza Hamidovna

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА 139-147

Asrakulova Adiba Nabieva

“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ 148-154

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Teshabayeva Dilfuza Muminovna

LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA 155-160

Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'omjonova Robiya Rustamjon qizi

INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI 161-165

Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi

PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS 166-170

Djurakulova Elmira Suyunova

SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN 171-177

Dalieva Madina Khabibullaevna

THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR 178-183

Жўраева Ирода Ахмедовна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ 184-189

Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna

INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI 190-193

Irgasheva Shoxida Sadriiddinovna

INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI 194-200

Tursunova Zarina Farxodovna

LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) 201-205

Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich

PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES 206-212

Radjabova Hafiza Shukrulloevna

INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI 213-220

Avezova Dilovar Salimovna

TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i>	
A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i>	
THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i>	
COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i>	
RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i>	
CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS	252-258
<i>Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна</i>	
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилуу Махмудовна</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i>	
EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i>	
USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA	276-282

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i>	
O'ZBEKİSTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KİOTO KONVENSIYASINI JORİY ETİŞHNİNG HUQUQIY JİHATLARI VA JSTGA A'ZOLIKNING TA'SIRI	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i>	
SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLİYAVİY NAZORATI INSTITUTİNİNG MUHİM OMİLİ	293-298
<i>Mustanov Ilxom Abdıvalijonovich</i>	
BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JİHATLARI	299-304
<i>G'oyibov Jo'rabek Choriyevich</i>	
YOSHLAR MIGRATSİYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI	305-309

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Kuziyev Otobek Chuliyevich</i>	
TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHİM UCH BOSQICHI	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i>	
TIL O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI	315-321
<i>Moydinova Elmira</i>	
APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	

CLASSROOM	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuzা Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH	389-393

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи,
ЎзМУ, "Макроиктисодиёт" кафедраси
доцент вазифасини бажарувчи, PhD
E-mail: motabar.umurzaqova@mail.ru

ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳонда амал қилаётган соғлиқни сақлаш моделларнинг қучли ва заиф томонлари, хориж давлатларини бу борада тажрибаларини қиёсий таҳлили ва Ўзбекистон аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: тиббий суғурта, соғлиқни сақлаш, тиббий ёрдам, давлат бюджети маблағлари, молиялаштириш.

Umurzakova Mutabarkhan Nodir Kizi,
Acting Associate Professor, Department of Macroeconomics,
National University of Uzbekistan, PhD

CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPMENT OF THE MEDICAL INSURANCE SYSTEM IN THE WORLD

Abstract. This article analyzes the strengths and weaknesses of the existing global health care models and proposals for health care reform in the social protection system of Uzbekistan.

Keywords: Health insurance, health care, medical services, state budget funds.

Умурзакова Мутабархан Нодир Кизи,
Исполняющий обязанности доцента кафедры "Макроэкономика"
Национального университета Узбекистана, PhD

ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ МЕДИЦИНСКОГО СТРАХОВАНИЯ В МИРЕ

Аннотация. В данной статье анализируются сильные и слабые стороны существующих в мире моделей здравоохранения и предложения по реформе здравоохранения в системе социальной защиты Узбекистана.

Ключевые слова: Медицинское страхование, здравоохранение, медицинские услуги, средство государственных бюджетов, финансирование.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N06>

Кириш. Жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш соҳасининг молиялаштириш моделларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш соҳасида катта тажриба тўпланган. Ривожланган мамлакатлар аҳолини бепул тиббий хизматлар билан қамраб олишни кенгайтириш, молиялаштириш манбалари,

маблағларни тақсимлаш усуллари борасида, ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасининг самарадорлигини ошириш ва ҳаражатларини камайтириш мақсадида тиббий суғурта тизимдан оқилона фойдаланишга эришмоқдалар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда амал қилаётган соғлиқни сақлаш моделлари универсал характерга эга эмас, шу муносабат билан моделларнинг кучли ва заиф томонлари, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларининг таҳлили Ўзбекистоннинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади Тиббий суғуртани ислоҳ этишнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистонда тиббий суғурта тизимини шакллантиришда фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаштириш, абстрактмантиқий фикрлаш ва қиёсий тахлил усулларидан фойдаланилган.

Асосий натижалар. Жаҳондаги соғлиқни сақлаш тизимининг барча моделларини уч турга бўлиш мумкин:[1]

1. Бюджет модели (давлат тизими)
2. Суғурта модели (ижтимоий суғурта тизими)
3. Хусусий модел (нодавлат ёки бозор тизими).


Беверидж модели сифатида машҳур бўлган биринчи моделнинг характерли томони ушбу моделда давлат етакчи ўринни эгаллайди. Молиялаштиришнинг бош манбаи бўлиб солиқ тушумлари хизмат қиласиди. Барча аҳоли учун тиббий хизматлар бепул кўрсатилади. Одатда, ЯИМдаги соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларининг улуши 8-11 фоизни ташкил этади. Хусусий суғурта ва қўшимча тўловлар муҳим роль ўйнайди.

Биринчи моделда соғлиқни сақлаш тизимининг асосий молиялаштириш манбаи давлат бюджетидир. Тиббиёт ходимлари бюджет маблағларини хусусий бошқарув компаниялари назоратида олади. Ҳукумат соғлиқни сақлаш харажатларининг катта қисмини қоплайди ва бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатувчи ва фойдаланувчи ролларини бажаради. Тизим марказлашган бўлиб, асосий хизматлар давлат муассасалари ва хусусий шифокорлар томонидан амалга оширилади, хусусий муассасалар иккиламчи ўринда туради.

Иккинчи модел Бисмарк модели деб аталади ва у давлат томонидан тартибга солинадиган мажбурий тиббий суғурта тизимига асосланган. Бу ерда тиббий хизматлар бозори аралаш иқтисодиёт тамойиллари асосида ижтимоий кафолатлар билан бирлашган ҳолда амал қиласиди. Давлат суғурта фондларини молиялаштиради ва барча аҳолини қамраб олган ҳолда тиббий харажатларнинг 70% дан ортигини қоплайди. Соғлиқни сақлашга сарфланадиган давлат харажатлари ЯИМнинг 9-13% ни ташкил қиласиди. Маблағларни тақсимлашда хусусий нотижорат, тижорат суғурта фондлари ва компаниялар муҳим роль ўйнайди. Аҳоли эркин равища суғурта компаниялари ва хизмат кўрсатувчиларни танлайди.

Хусусий моделда эса тиббий хизматлар асосан хусусий суғурта компаниялари ва фуқароларнинг шахсий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Бозор муҳим роль ўйнайди, давлат эса ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ гуруҳларга хизмат кўрсатиш харажатларини қоплайди. Молиялаштиришнинг ярмидан кўпроғи фуқароларнинг

шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Пуллар хусусий суғурта фондларида тўпланиб, тиббий муассасаларга йўналтирилади. Тиббий хизматлар кўрсатиш марказлашмаган ва турли мулк шаклларидағи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.



1-расм. Ривожланган мамлакатлардаги соғлиқни сақлаш тизимининг таснифи[2]

Қуйидаги 1-расмда ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимини бюджет, суғурта ва хусусий моделлари таснифланиши келтирилган.


Ижтимоий ҳимоя тизими борасида – АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция ва Канада мамлакатларининг тажрибаларини таҳдил этамиз.

Германия ижтимоий суғуртанинг классик модели намунаси ҳисобланиб, унинг молиялаштириш манбалари қуйидагича тақсимланади: ижтимоий тиббий суғурта – 60%, хусусий тиббий суғурта – 10%, давлат бюджети – 15% ва фуқароларнинг шахсий воситалари – 15%. Германия аҳолисининг деярли 90% ижтимоий тиббий суғурта дастурлари ва 10% эса хусусий тиббий суғурта дастурлари билан қамраб олинган, ҳолда ижтимоий суғурталанганларнинг 3% ихтиёрий тиббий суғурта полисига эга.

Германияда соғлиқни сақлаш харажатларининг мамлакат ЯИМ даги улиши 7,8-11,7 фоизни ташкил этади.[2] Давлат бюджети манбаларидан соғлиқни сақлаш харажатларининг 75% қопланади. Соғлиқни сақлашнинг молиявий маблағлари ҳаракати қуйидаги қўринишига эга эди, дастлаб улар ижтимоий тиббий суғуртанинг давлат фондида жамланади, сўнgra тиббий даволаш муассасалари хизматларини назорат қилувчи нотижорат суғурта ташкилотларининг ҳисобларига тушади. Шифохоналар жамғармалари деб номланган шифокорлар уюшмалари ижтимоий тиббий суғурта тизимининг асосини ташкил этади. Улар мажбурий тиббий суғуртада қонуний кафолатланган хизматларни кўрсатиш ва молиялаштиришни бошқарадиган ўз-ўзини тартибга солувчи тузилмаларни яратади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Германияда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларни молиялаштиришда тиббий суғуртанинг амалиётга

кенг татбиқ этилганлиги сабабли сўнги 2000-2019 йилларда мамлакатда аҳолининг тури оғир касалликларга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада қисқарди. Жумладан, таҳлил этилаётган даврда аҳолининг ишемик юрак касаллиги билан оғриши ҳолатлари 1,6 марта, қон томир касалликларига чалиниш ҳолатлари 1,7 марта камайди (2-расмга қаранг).Халқаро эксперталар фикрича, мамлакат аҳолисининг тиббий суғурта полисларига эгалиги сабабли аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиши билан бир қаторда, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ҳам такомиллашиб бормоқда. Натижада аҳолининг оғир касалликларга чалиниши, барвақт ўлим ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бормоқда.[3]



2-расм. Германияда аҳолининг ўлимига сабаб бўлаётган ТОП-10 касалликлар рўйхати (100 000 аҳолига нисбатан) [4]


Германияда 2010-2014 йилларда аҳолининг тиббий суғурта хизматларидан фойдланишга бўлган интилиши сезиларли даражада ортди. Натижада таҳлил этилаётган даврда суғурта фонdlарининг даромадлари орта бошлади. Мамлакатдаги демографик қариш муаммосининг мавжудлиги ва янги турдаги турли касалликларнинг тарқалиши сабабли ўлим ҳолатлари, аҳолининг касалланиши ва турли орттирилган ногиронликларнинг вужудга келиши сабабли 2010-2021 йилларда мамлакатда суғурта фонdlарининг ўз мажбуриятларини бажаришлари учун сарфланадиган харажатлари қисми ортиб ва 2017 йилда мамлакатда тиббий суғурта хизматларини молиялаштиришнинг “Zinszusatzreserve (ZZZ)” усули амалиётга татбиқ этилди. Ушбу усул ёрдамида суғурта фонdlари харажатларини қисқартиришга эришилди (3-расмга қаранг). Ушбу усул ўлим ҳолатлари вужудга келганда бериладиган турли нафақа ва тўловларни тўлаш тартибига ўзгартириш киритишдан иборат бўлди.

Буюк Британия бюджет моделида соғлиқни сақлаш харажатларининг 85% давлат бюджети томонидан қопланади, ва 15% эса хусусий тиббий суғурта ҳисобидан тўланади. Пул маблағлари давлат бюджетида жамланади, ва даволаш профилактик муассасаларини молиялаштиришни бошқарувчи ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларга берилади. Соғлиқни сақлашнинг марказлашган бошқаруви шакли амал қиласиди. Умумий давлат харажатлари ЯИМни 9,4% ни ташкил этиб, шундан соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланган харажатларининг ЯИМ даги 7,7% ни ташкил этади.[3] Аҳоли бепул тиббий хизматлар билан қамраб олинган ва тиббий хизматлар учун қўшимча тўловлар деярли мавжуд эмас. Аҳолининг меҳнат қобилиятига эга қатлами учун бир рецепт учун 7.85 фунт стерлинг миқдоридаги доимий тўловлар қўлланилади.



3-расм. Германия тиббий суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари (млн. еврода).[5]

Давлат шифокорлар ва даволаниш профилактик муассасаларни аккредитациялаш, шифокорлар фаолиятини тартибга солиш билан шуғулланади. Тиббий хизматлар тўловлари даражалари ва нархлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича траст фондлар томонидан бошқарилади. Хозирда Англияда 152 та бирламчи тиббий ёрдамлар кўрсатувчи траст фондлар мавжуд ва улар миллий соғлиқни сақлаш хизмати бюджетининг 80% ни назорат қиласди. Шунингдек, Англияда 167 та шифохоналар ва 129 жамғарма трастлари мавжуд бўлиб, улар Англиядаги стационар даволанишнинг катта қисмини таъминлайди. Бирлашган қиролликда Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда миллий соғлиқни сақлаш хизматининг мустақил маҳаллий тизимлари мавжуд.[6]




4-расм. Буюк Британияда аҳолининг ўлимига сабаб бўлаётган ТОП-10 касалликлар рўйхати (100 000 аҳолига нисбатан)[4]

Халқаро эксперталарнинг фикрича, Буюк Британия соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш амалиётида тиббий суғурта хизматлари билан бир қаторда, траст фондларнинг ташкил этилганлиги аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишнинг қамров

даражасини ошириш имкониятини бермоқда. Натижада 2000-2021 йилларда мамлакат аҳолисининг турли оғир касалликлар билан оғриши ва касаллик сабабли ўлим ҳолатларини қисқартиришга эришилди. Жумладан, ўрганилаётган даврда аҳоли ўлимига энг кўп сабаб бўлган ишемик юрак касаллиги ҳолатлари қарийб 2,2 марта, қон томир касалликлари – 1,9 марта, қуи нафас йўлларининг инфекцияланиши ҳолатлари эса – 1,8 марта камайди (4-расмга қаранг).[3]

АҚШда соғлиқни сақлашнинг хусусий модели фаолият кўрсатади, ва жами аҳолини қамраб оловчи миллий тизим мавжуд эмас. АҚШ тиббий ёрдам соҳасидаги давлат кафолатлари фақат чекланган фуқаролар доирасига нисбатан қўлланиладиган ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш қисман мавжуд бўлган ягона ривожланган мамлакат ҳисобланади. Молиялаштиришнинг етакчи манбаи бўлиб тиббий хизматлар харажатларининг 50% дан ортиғини хусусий суғурта қоплайди. Бошқа манбаларни кекса ва кам таминланган фуқаролар учун дастурлар, ҳамда фуқароларнинг шахсий пул маблағларини ўз ичига олади. Даволаниш профилактик муассасалари ва хусусий шифокорларни молиялаштиришнинг бошқаруви хусусий тиббий суғурта компанияларнинг қўлида бўлиб қолмоқда. Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар учун маҳсус давлат дастурлари орқали ресурсларни тақсимлашни бошқаради. Миллий соғлиқни сақлаш тизимини бошқаруву марказлашмаган. Умумий давлат харажатлари ЯИМдаги улуши 17,2% ташкил этиб, шундан соғлиқни сақлаш харажатлари ижтимоий манбалардан ЯИМдаги улуши 9,1% ташкил этади.[2] Тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш bemорларнинг тўлов қобиляти билан чекланган. Кексалар ва камбағаллар учун мўлжалланган ижтимоий дастурлар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷлар қатлам учун қўлланилмайди ва зарур бўлган тиббий хизматларни деярли қопламайди. 50 миллионга яқин аҳолига умуман ҳеч қандай тиббий хизмат кўрсатилмайди.

АҚШ амалиётида тиббий суғурта дастурларининг амал қилиши ва аҳолига тиббий хизмтлар кўрсатишнинг қамров даражасини ошириш билан бир қаторда айрим турдаги инсон ҳаёти учун ҳавфли бўлган касаллик ҳолатларини учрашининг олдини олиш имконини бермоқда. Хусусан, 2000-2021 йилларда мамлакатда ишемик юрак касаллиги сабабли вужудга келаётган ўлим ҳолатлари 1,4 марта, аҳолининг қон томир касалликлари 1,3 марта камайди. Шу билан бир қаторда қуи нафас йўлларининг инфекцияланиши ва кўкрак бези саратони касалликлари сабабли ўлим ҳолатларининг вужудга келишининг тўлиқ олди олинди (5-расмга қаранг).[3]



5-расм. АҚШда аҳолининг ўлимига сабаб бўлаётган ТОП-10 касалликлар рўйхати (100 000 аҳолига нисбатан)[4]

Таҳлиллар кўрсатишича, соғлиқни сақлашга ажратилган маблағлари жами турли мамлакатлarda фарқланади. Аҳолининг умр давомийлиги ва бошқа соғлиқни сақлаш соҳаси кўрсаткичлари сарфланган миқдорга мутаносиб эмаслиги, бу, биринчидан, сарфланган маблағларни самарадорлигидаги фарқларни кўрсатади, иккинчидан, аҳолининг умр кўриш давомийлигига бошқа омиллар ҳам таъсир этишини кўрсатади. 1-жадвалда таҳлил қилинган ривожланган мамлакатлардаги аҳоли умр кўриш давомийлиги ва сарфланаётган харажатлар мисолида кузатиш мумкин.

1-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизимидағи харажатлар ва кўрсаткичлар нисбатининг самарадорлиги[2]

Мамлакат	Умр кўриш давомийлиги	Соғлиқни сақлаш харажатларининг мамлакат ЯИМдаги улуши %	Аҳоли бошига сарфланадиган соғлиқ сақлаш харажатлари, (АҚШ долларида)
АҚШ	78,6	17,2	8608
Германия	80,7	11,7	4875
Буюк Британия	80,8	9,4	3609
Франция	81,7	12,5	4952
Канада	80,9	10,8	5630

Жахон амалиётидаги соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг қиёсий таҳлили қилиш натижасида соғлиқни сақлаш моделларининг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисида қуидаги илмий холосалар олиш имконини беради (2-жадвалга қаранг):

- мамлакатлар ижтимоий ҳимоянинг фақат битта моделидан фойдаланимайдилар ва универсал модел мавжуд эмас;
- соғлиқни сақлашнинг барча моделларида етакчи молиялаштириш манбаи мавжуд;
- бюджет ва суғурта моделларидаги харажатларнинг 70 фоиздан ортиғини давлат таъминлайди;

– соғлиқни сақлаш тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг мухим омили – аҳолини бепул тиббий хизматлар билан қамраб олиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

– мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизими ривожланиши давлат бюджети маблағларисиз суғурта тўловлари амалга ошириб бўлмайди.

Жаҳон амалиётида тиббий суғурталаш ёлланиб ишловчилар учун мажбурийдир, ривожланган мамлакатларда мажбурий тиббий суғурта соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий асосини ташкил қиласди.

Жаҳондаги тиббий суғурта тизимини ташкил этиш ривожланган бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг етакчи манбаси тиббий суғурта маблағлари ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлат ва суғурта компанияларининг фаол иштирок этадилар. Ҳар бир мамлакат давлат бюджети маблағлари ва мажбурий тиббий суғурта орқали соғлиқни сақлашга сарфланган харажатларини молиялаштирилади.

2-жадвал

Мажбурий тиббий суғурта тизимининг қиёсий таҳлили [7]

Давлатлар	Соғлиқни сақлаш харажатлари		Аҳолининг мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олиниши, (%хисобида)	Мажбурий тиббий суғурта тизимида суғурталовчилар	Иш ҳақи фондидан тўланадиган суғурта бадаллари, (%хисобида)	Иш берувчилар ва ишчилар ўртасида суғурта бадалининг тақсимланиши, (%хисобида)
	ЯИМга нисбатан, улуши (%хисобида)	Аҳоли жон бошига сарфланадиган харажатлар, (АҚШ доллари)				
Германия	11,3	5410,63	92	Касалхона кассалари	9-15	50/50
АҚШ	17,1	9402,54	90	Суғурта компаниялари	3-9,5	Иш жойига боғлиқ ҳолда
Франция	11,5	4958,99	80	Давлат	13,6	66/34

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йилда дунё минтақалари бўйича “Халқаро соғлиқни сақлаш рейтинги” эълон қилинди. Ушбу рейтинг натижаларини ҳисоблашда ташкилот эксперtlари 100 балли баҳолашни амалга оширидилар ва қўйидаги 13 та индикаторлар тизимидан фойдаланишди:[8]

- соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асослари ва тиббий хизматларни молитялаштириш амалиёти;
- тиббий хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш ва марказлаштириш;
- озиқ-овқат ҳавфсизлиги;
- тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларининг лабаратория хоналарининг ҳолати ва ривожланиш даражаси;

- зооноз касалликларга чалиниш ҳолатлари (ҳайвонлардан юқадиган инфекцион касалликлар);
 - тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва қамров кўламини назорат қилиш;
 - соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг салоҳияти;
 - соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг фавқулодда ҳолатларга тайёргарлик даражаси;
 - аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг турлари ва уларнинг сифати;
 - инфекцион касалликларни тарқалишини олдини олиш;
 - янги турдаги касалликларга чалиниш ҳолатлари даражси;
 - кимёвий ҳодисаларнинг табиий-экологик жараёнларга таъсири;
 - радионуклеар фавқулодда вазиятларга тайёргарлик даражаси.



**6-расм. Жаңон минтақалари бүйича “Соғлиқни сақлаш тизими рейтинги”
күрсаткичи, 2021 й. [8]**

Юқорида келтирилган күрсаткичлар асосида жағон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперталари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига күра, 2021 йилда жағонда соғлиқни сақлаш тизимининг рейтинги 63 га тенг бўлди. Африка (44) ва Жануби-Шарқий Осиё (61) минтақаларида ушбу күрсаткич жағоннинг ўртачадан паст күрсаткични қайд этди (6-расмга қаранг).

Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишда европа иттифоқи мамлакатларининг аксарияти тиббий суғурта хизматлари амалиётга кенг татбиқ этилганлиги сабабли ушбу минтақада соғлиқни сақлаш тизими рейтингининг ҳуқуқий асослари ва тиббий хизматларни молиялаштириш амалиёти (80), тиббий хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш ва марказлаштириш (82), тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва қамров қўламини назорат қилиш (79), аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг турлари ва уларнинг сифати (79) каби таркибий компонентлари кўрсаткичи юқори ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, Америка қитъасида ҳисобланган рейтинг кўрсаткичи Жанубий ва Шимолий Америка учун ўрта ҳисобда ҳисобланган бўлиб, минтақа кўрсаткичлари Европа Иттифоқи кўрсаткичларидан нисбатан паст ҳисобланади. Аммо, ушбу минтақада ҳам тиббий суғурта хизматлари АҚШ ва Канада мамлакатларида ихтиёрий равишида жорий этилган ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Хориж мамлакатлари тажрибасини чуқур таҳлил қилиш Ўзбекистонда ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимида тиббий суғуртани самарали жорий этиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги жамланган бой, илғор тажрибаларини пухта ўрганиш

маҳаллий тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлашга имкон беради. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, соғлиқни сақлаш секторида давлат иштирокининг юқори даражаси бўлган мамлакатларда аҳоли учун кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшиланиши, аҳоли ҳаёт давомийлигининг узайиши каби ижобий натижаларга эришилади.

Шунга қарамай, аҳолининг даромад даражаси, демографик ҳолати ва тиббий суғуртани молиялаштириш имкониятларини инобатга олган ҳолда хусусий тиббиёт секторини ҳам ривожлантириб бориш зарур. Шу билан бирга, жамиятда молиявий ёки ҳуқуқий мақомидан қатъий назар ҳар бир шахс фойдаланиши кафолатланган тиббий хизматларнинг минимал рўйхати мавжуд бўлиши керак. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришда хорижий илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Омельяновский В.В. и др. Зарубежный опыт: модели финансирования и организации систем здравоохранения. Финансовый журнал / Financial journal №3 2014. – С. 23.
2. Most Efficient Health Care: Countries / Bloomberg Visual Data 2013 (<http://www.bloomberg.com/visual-data/best-and-worst/most-efficient-health-care-countries>).
3. Global Health Estimates 2020: Deaths by Cause, Age, Sex, by Country and by Region, 2000-2019. World Health Organization.
<https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates>
4. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates/ghe-leading-causes-of-death>
5. Германия Федерал Молиявий хизматлар агентлиги маълумотлари асосида муаллия томонидан тузилди.
https://www.bafin.de/EN/PublikationenDaten/Datenbanken/Datenbanken_node_en.html
6. Kullman D. PHIS Pharma Profile United Kingdom
(<http://whocc.goeg.at/Literaturliste/Dokumente/CountryInformationReports/PHIS%20Pharma%20Profile%20UK%20Feb2011.pdf>).
7. <http://ifmr.uz/возможности-и-перспективы-развития-м/>.
8. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари асосида
<https://www.who.int/data/gho/whs-2021-visual-summary>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).